



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2024 yil «18» июль

№ПФ–102

### Ўзбекистон Республикасида туризм инфратузилмасини яхшилаш ва хорижий туристлар оқимини янада оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Мамлакатимиз ҳудудларида янги туризм индустрияси объектларини кўпайтириш орқали қулай саёҳат қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, жаҳон бозорида миллий туризм маҳсулотларини фаол тарғиб қилишнинг замонавий механизмларини жорий қилиш, ички туризм имкониятларини янада кенгайтириш, транспорт логистикасидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш, шунингдек, соҳага тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ, туризм соҳасида қулай тадбиркорлик мұхитини яратиш ва туризм хизматлари экспортини кенгайтириш мақсадида:

а) **2024 йил 1 сентябрдан бошлаб** кириш туризми фаолиятини амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган туроператорларни хорижий мамлакатлардан республикага туристларни олиб келишда айланма маблағ билан таъминлаш учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан республика тижорат банклари орқали 50 миллион АҚШ доллари эквивалентида миллий валютада йиллик 14 фоиз ставкада кредит линияси очилади. Бунда:

тижорат банклари томонидан Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ресурслари ҳисобидан ажратиладиган кредитлар бўйича **белгиланган йиллик фоиз ставкаси таркибида** банк маржаси 3 фоиздан ошмаган миқдорда ўрнатилади;

кредит маблағлари туроператорларга 2 йиллик имтиёзли давр (фоиз ва асосий қарздан) билан 10 йил муддатга ажратилади;

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан тижорат банклариға ресурслар **3 йиллик имтиёзли давр билан 12 йил муддатга ажратиласди;**

**б) 2025 йил 1 августга қадар Қорақалпоғистон Республикасида рўйхатга олинниб, лицензияга эга бўлган туроператорларга, истисно тариқасида, экстремал турларни ташкил қилиш учун двигатель ҳажми 2,4 литрдан кам бўлмаган юқори ўтиш қобилиятига эга транспорт воситалари импорт қилинаётганда божхона божи ва утилизация йиғимини амалдаги ставканинг 25 фоизи миқдорида **3 йил муддатга бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат этиласди.****

Бунда, ушбу транспорт воситаси импорт қилинган кундан бошлаб 3 йил давомида Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидан ташқарида фойдаланилганлиги, бошқа шахсларга сотилганлиги ёки ўтказилганлиги ёхуд ижарага берилганлиги аниқланган тақдирда, божхона божи ва утилизация йиғими тўлиқ ҳажмда импорт қилган шахсдан ундириб олинади;

**в) 2025 йил 1 августга қадар туризм соҳасида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлари томонидан импорт қилинадиган автобус ва микроавтобуслар божидан озод этиласди.** Бунда:

мазкур имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кирилаётган янги ишлаб чиқарилган, “Евро-5” ва ундан юқори экологик тоифа талабларига мос келадиган автобус ва ҳайдовчидан ташқари саккиз ва ундан ортиқ ўриндиқларга эга бўлган микроавтобуслар учун тақдим этиласди;

импорт қилинган автобуслар ва микроавтобуслар импорт қилинган кундан бошлаб 3 йил давомида бошқа шахсга сотилган ёки ўтказилган ёхуд ижарага берилган тақдирда, тақдим этилган имтиёзлар бекор қилинади ҳамда божхона божи белгиланган тартибда тўлиқ ҳажмда импорт қилган шахсдан ундириб олинади;

**г) Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Туризм қўмитаси (кейинги ўринларда – Туризм қўмитаси) томонидан рўйхати шакллантириладиган халқаро туризм ярмаркалари ва кўргазмаларида туризм соҳасидаги тадбиркорлар, ҳунармандлар, маданият ва санъат вакиллари иштирок этади.** Бунда, **2025 йил 1 январдан бошлаб:**

халқаро туризм ярмарка ва кўргазмалари учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетидан **1 миллиард сўмдан кам бўлмаган маблағлар ажратиласди;**

фаолият бошлаганига **3 йилдан** кўп бўлмаган туроператорларнинг халқаро туризм ярмарка ва кўргазмаларидағи павильон ижараси харажатининг **50 фоизи** Туризм қўмитасининг бюджетдан ташқари **Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси** (кейинги ўринларда – Жамғарма) маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади;

**ҳунармандларнинг** халқаро туризм ярмаркалари ва кўргазмаларидағи павильон ижараси, уларда намойиш этиладиган **маҳсулотларини ташиш ва авиачипта харажатларининг 50 фоизи** Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги **Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси** маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади.

## 2. Қуйидагилар:

**Туризмни ривожлантириш бўйича республика жамоатчилик кенгashi** (кейинги ўринларда – Республика кенгashi) таркиби 1-иловага мувофиқ;

**Туризмни ривожлантириш бўйича маҳаллий жамоатчилик кенгашларининг** (кейинги ўринларда – маҳаллий кенгаш) намунавий таркиби 2-иловага мувофиқ;

**Хорижий ва маҳаллий туристлар оқимини янада ошириш бўйича “йўл харитаси”** З-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

**3. Туризм қўмитасининг** Ўзбекистон Республикасининг туризм маҳсулотини халқаро ва ички туризм бозорларида тарғиб қилиш, саёҳат ва дам олиш учун хавфсиз мамлакат сифатидаги имижини янада мустаҳкамлашга қаратилган қуйидагиларни назарда тутувчи **янги миллий туризм брендини (танитиш белгиси)** яратиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсан:

маркетинг ва брэндинг консалтинг компанияларини жалб қилган ҳолда **Ўзбекистон Республикасининг янги миллий туризм бренди** (кейинги ўринларда – туризм бренди)ни ишлаб чиқиш;

туризм брэндинг мақсадли бозорлар (аудитория) талабларидан келиб чиқиб, хорижий мамлакатларда Ўзбекистоннинг **тарихий, маданий, гастрономик, тиббий ва соғломлаштириш, археологик, экологик ва экстремал каби туризмнинг турлари** тўғрисида контентлар яратиш;

замонавий маркетинг технологияларидан, шу жумладан халқаро медиа ва ижтимоий платформалар, бутунжаҳон спорт, маданият ва санъят тадбирлари майдонидан фойдаланган ҳолда **туризм брендини тарғиб қилиш тизимини яратиш**.

#### 4. Туризм қўмитаси:

**2024 йил 1 октябрга қадар янги миллий туризм брендини яратиш учун танлов ўтказсин;**

**2024 йил Халқаро туризм куни доирасида биринчи глобал сайёҳлик медиакампусини ташкил қилсин;**

**2024–2025 йилларда аудиторияси 10 миллиондан ортиқ бўлган 50 нафаргача хорижий журналист, блогер, влогер ва инфлюэнсерларни жалб қилсин.**

#### 5. Белгилансинки:

**а) Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган туроператорларнинг ўз маҳсулотларини тарғиб қилиш мақсадида республикага олиб келган машҳур хорижий блогерларнинг (аудиторияси 1 миллиондан кам бўлмаган) яшаш харажатлари Жамғарма маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади.**

Бунда, машҳур блогерларни олиб келиш бўйича сарф-харажатлар сметаси Туризм қўмитаси билан олдиндан келишилади;

**б) Республика кенгаши ҳар чорақда камида бир маротаба, маҳаллий кенгашлар ҳар ойда бир маротаба туризм соҳаси субъектлари фаолияти, туризм инфратузилмаси ва транспорт логистикаси соҳаларида вужудга келаётган муаммоларни кўриб чиқиб, уларни бартараф қилиш ва мавсум олди тайёргарлик кўриш ҳамда олдиндан хабар бериш тартиби асосида фаолият юритади;**

**в) 2025 йил 1 январдан бошлаб камида 100 нафар хорижий иштирокчisi бўлган уч кундан кам бўлмаган бизнес тадбирларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташкил қилган тадбиркорлик субъектлари 2028 йил 1 январгача ушбу бизнес тадбирларни ташкил қилишдан олинган даромаддан олинган фойда солиғини ушбу солиқ бўйича белгиланган солиқ ставкасига нисбатан 50 фоизга камайтирилган солиқ ставкаси бўйича тўлайди.**

#### 6. Туризм қўмитаси:

**бир ой муддатда миллий туризм делегацияси иштирок этиши лозим бўлган кўргазмалар рўйхатини қайта кўриб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин;**

**уч ой муддатда фаолият бошлаганига 3 йилдан кўп бўлмаган туроператорларнинг халқаро туризм ярмарка ва кўргазмаларидағи павильон ижараси харажатининг 50 фоизини Жамғарма маблағлари ҳисобидан қоплаб бериш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин;**

Маданият вазирлиги “Хұнарманд” уюшмаси билан биргаликда **2024 йил 1 декабрга қадар** хорижий мамлакатлар кесимінде халқаро туризм күргазмаларида намойиш қилиш учун **маданий, гастрономик ва ҳұнармандчылық контентини ишлаб чиқсін.**

**7.** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашы, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимліктері **2025 йилдан бошлаб ҳар йили** халқаро туризм ярмаркалари ва күргазмалари учун маңаллый бюджетдан Қорақалпоғистон Республикаси Жүйе Кенгесі, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари кенгашларига тақдимнома кириптегін ҳолда **1 миллиард сұмдан** кам бўлмаган маблағлар ажратиб бориш чораларини кўрсинг.

**8.** Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги **икки ой муддатда** халқаро фестивалларда қатнашадиган ҳұнармандларга павильон ижараси, уларда намойиш этиладиган маҳсулотларини ташиш ҳамда авиачипта харажатларининг 50 фоизини Ҳұнармандчылық ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармасидан қоплаб бериш тартибини назарда тутувчи қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсинг.

**9.** Вазирлар Маҳкамаси (Ж. Қўчқоров, Ж. Ходжаев) **икки ой муддатда** туроператорларга айланма маблағ учун экспорт олди молиялаштиришга 50 миллион долларгача ресурс ажратиши ва уни мақсадли ишлатиш тартибини жорий этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини киритсинг.

**10.** Туризм қўмитаси Стратегик ислоҳотлар агентлиги билан биргаликда **2024 йил 1 декабрга қадар** илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда “**Мавжуд туризм маҳсулотларини тақдим этиш**” моделидан “**Мижозга нима керак**” моделига ўтишнинг қисқа муддатли концепциясини ишлаб чиқсинг.

Бунда, сайёхларнинг фикрини ўрганиш мақсадида **халқаро аэропортлар, чегара ўтказиш пунктлари ва туризм намойиши объектларида QR-код асосида сўровлар ўтказиб борилиши назарда тутилади.**

**11.** Транспорт вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги **2024 йил 1 декабрга қадар** юртимиздаги барча авиа, темир йўл ва автобус қатновлари ҳақида **маълумот ва чипта олиш имконини берадиган ягона онлайн платформани** ишга туширсинг.

**12. Транспорт вазирлиги:**

авиа, темир йўл ва автобус чипталарини табақалаштирилган нархларда камида олти ой олдин савдога чиқариш тизимини жорий қилсинг;

Наврўз умумхалқ байрами, Мұстақиллик куни, Янги йил байрами ва Рамазон ҳайити (Ийд ал-Фитр) ҳамда Қурбон ҳайити (Ийд ал-Адха) диний байрамларини нишонлаш даврида республика ҳудудларини боғловчы қўшимча авиа, темир йўл ва автобус қатновларини йўлга қўйисин;

**Туризм қўмитаси** билан биргаликда маҳаллий ва хорижий фуқароларни транспорт ва туризм соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлардан хабардор қилиш мақсадида амалга оширилаётган тадбирлар, жумладан, очилаётган янги рейслар, рейслардаги юкламалар, шакллантирилаётган янги авиа ва темир йўл маршрутлари тўғрисида маълумотларни муентазам равишда оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда ёритиб борсин.

**13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 8 июлдаги “Худудларнинг иқтисодий салоҳиятини рўёбга чиқариш ва бўш ер участкаларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-245-сон қарорининг З-иловаси билан мастер-режалар ишлаб чиқиладиган 20 та туман (шаҳар)ларнинг рўйхати тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.**

Белгилансинки, мастер-режалар ишлаб чиқиладиган ҳудудларда ер участкаларини сотишдан тушган маблағлар биринчи навбатда Жамғарма харажатларини қоплашга йўналтирилади.

**14. Иқтисодиёт ва молия вазирининг ўринbosари С. Саъдуллаев** мастер-режалар ишлаб чиқиладиган 20 та туман (шаҳар) ҳудудларида инфратузилмани ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни молиялаштириш учун масъул этиб белгилансин.

**15. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги мастер-режалар ишлаб чиқиладиган 20 та туман (шаҳар) ҳудудларида муҳандислик-коммуникация тармоқларини яхшилаш учун:**

**2024 йил 31 декабрга қадар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан 100 миллиард сўм ажратсин;**

2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш бўйича давлат дастурида **132 миллиард сўм** ажратиш кўзда тутилишини таъминласин.

**16. Туризм қўмитаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги** билан биргаликда **уч ой муддатда** бизнес туризмини (MICE) ривожлантириш учун янада қулай муҳит яратишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

**17.** Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Мудофаа вазирлиги **бир ой муддатда** Мўйноқ ва Паркент туманларида экстремал туризмни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

**18.** Вазирлар Маҳкамаси (Ж. Қўчқоров), Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги **икки ой муддатда** кичик бизнесга тайёр жойни қуриб таклиф қилиш тизимини яратиш бўйича таклифларни киритсин.

**19.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 4-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

**20.** Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Бosh вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ҳамда экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А.А. Абдухакимов белгилансин.

Фармон ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бosh вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

**Туризмни ривожлантириш бўйича республика жамоатчилик кенгаши  
ТАРКИБИ**

1. А.Н. Арипов – Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Жамоатчилик кенгаши раиси
2. Г.Б. Исраилова – Ўзбекистон хусусий сайёхлик ташкилотлари уюшмаси раиси, Жамоатчилик кенгаши раиси ўринбосари
3. А.А. Абдухакимов – экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири, Жамоатчилик кенгаши раиси ўринбосари
4. З. Пололикашвили – Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг туризм бош котиби
5. С. Ибботсон – Ўзбекистоннинг Буюк Британиядаги туризм элчиси
6. З. Тонгқиан – “Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университети проректори
7. Ю. Мизумори – Туризм қўмитасининг Япониядаги туризм вакили
8. О. Қ. Норинбоев – Ўзбекистон география жамияти раиси .
9. Ф.А. Абдуллаева – Ўзбекистон меҳмонхоналар уюшмаси раиси
10. А.Х. Умаров – Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси раиси
11. Т.Д. Мусин – Ўзбекистон рестораторлар ва отельерлар уюшмаси раиси
12. Д.Р. Ураков – Ўзбекистон “Хунарманд” уюшмаси раҳбари в.б.
13. Ш.М. Саибов – Ўзбекистон туризм транспорти уюшмаси раиси
14. М.С. Султанова – Ўзбекистон социал туризм уюшмаси раиси
15. Л.Ю. Козловский – Ўзбекистон экстремал ва тоғ туризми федерацияси раиси
16. М.С. Сайдаминов – “Orient voyages” масъулияти чекланган жамияти директори
17. З.А. Бутаев – “Samarkand touristic centre” масъулияти чекланган жамияти ижрои директори

18. М.М. Рамазонов – “Авруд травел” масъулияти чекланган жамияти маркетинг ва бизнесни ривожлантириш бўйича директори
19. Б.Р. Ашуралиев – “Элан Экспресс” масъулияти чекланган жамияти директори
20. Л.М. Мирзаева – “Фаровон Хива хотел” меҳмонхонаси бош менежери
21. Б.Р. Кораходжаев – “Asia star plaza” масъулияти чекланган жамияти директори
22. Д.А. Якубова – “O’zbekiston 24” ахборот-таҳлилий телерадиоканали сиёсий шарҳловчиси
23. Э.А. Тухватулина – “Дунё бўйлаб” телеканали “Всё о Туризме” дастури муаллифи ва бошловчиси
24. О.А. Назарбеков – маданият вазири
25. И.Р. Махкамов – транспорт вазири
26. Б.О. Саидов – ташқи ишлар вазири
27. Ш.С. Хидоятов – қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири в.б.
28. П.Р. Бобоҷонов – ички ишлар вазири
29. И.И. Норқулов – иқтисодиёт ва молия вазирининг биринчи ўринбосари
30. А.З. Саъдуллаев – ёшлар ишлари агентлиги директори
31. Б.Г. Абдикаримов – Маданий мерос агентлиги директори
32. У.Р. Шадиев – Туризм қўмитаси раиси, Жамоатчилик кенгаши котиби

*Изоҳ: Ўзбекистон хусусий сайёҳлик ташкилотлари уюшмаси ва Туризм қўмитасига Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда Жамоатчилик кенгаши аъзолари таркибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилади.*

*Жамоатчилик кенгаши аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига мазкур лавозимларга янги тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасига юклатилган шахслар киритилади.*

**Туризмни ривожлантириш бўйича маҳаллий  
жамоатчилик кенгашларининг намунавий  
ТАРКИБИ**

1. Лавозимига кўра – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, маҳаллий жамоатчилик кенгаши *раиси*
2. Лавозимига кўра – Туризм соҳасидаги нодавлат нотижорат ташкилоти вакили, *Маҳаллий жамоатчилик кенгаши раиси ўринbosari*
3. Лавозимига кўра – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг туризм, маданият, маданий мерос ва оммавий коммуникациялар масалалари бўйича ўринbosарлари, *маҳаллий жамоатчилик кенгаши раиси ўринbosари*
4. Лавозимига кўра – Туризм ва унга ёндош соҳалардаги нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари
5. Лавозимига кўра – Худуддаги йирик туроператорлар
6. Лавозимига кўра – Худуддаги йирик меҳмонхона вакиллари
7. Лавозимига кўра – оммавий ахборот воситалари вакиллари
8. Лавозимига кўра – Маданият вазирлигининг ҳудудий бўлинмаси бошлиғи
9. Лавозимига кўра – транспорт вазирлигининг ҳудудий бўлинмаси бошлиғи
10. Лавозимига кўра – Ташқи ишлар вазирлигининг консуллик бўлинмаси бошлиғи
11. Лавозимига кўра – қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг ҳудудий бўлинмаси бошлиғи
12. Лавозимига кўра – ички ишлар вазирлигининг ҳудудий бўлинмаси бошлиғи
13. Лавозимига кўра – иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ҳудудий бўлинмаси бошлиғи
14. Лавозимига кўра – Ёшлар ишлари агентлиги ҳудудий бўлинмаси бошлиғи

15. Лавозимига кўра – Маданий мерос агентлигининг ҳудудий бўлинмаси бошлиғи
16. Лавозимига кўра – Туризм қўмитасининг ҳудудий бошқармаси ўринбосари *Маҳаллий жамоатчилик кенгаши* котиби

**Изоҳ:** Маҳаллий жамоатчилик кенгашлари таркибига камида 3 нафар туризм ва унга ёндош соҳалардаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда 4 нафардан туроператор ва меҳмонхона вакиллари киритилади.

Маҳаллий жамоатчилик кенгашлари ўринбосарларига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi Raиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокими билан келишган ҳолда маҳаллий кенгашлар аъзолари таркибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилади.

Маҳаллий жамоатчилик кенгашлари аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, уларнинг таркибига мазкур лавозимларга янги тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасига юклатилган шахслар киритилади.

Хорижий ва маҳаллий туристлар оқимини янада ошириш бўйича  
“ЙўЛ ХАРИТАСИ”

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
<b>I. Ҳудудларда туризм инфратузилмасини яхшилаш чора-тадбирлари</b>					
1.	Кичик бизнесга тайёр жойни куриб таклиф қилиш бўйича янги тизим яратиш.	Норматив-хуқуқий лойиҳасини ишлаб Вазирлар Мажкамасига киритиш.	Хужжат чиқиб, муддатда	Икки ой муддатда	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги
2.	Бўstonлик туманиндағи 100 миллион доллар инвестиция жалб қилинган ҳолда “Хаят” меҳмонхонаси талаблари асосида барпо этилаётган меҳмонхона мажмуасига олиб борувчи 4Рбд Тошкент ш. — Чирчик ш. — Чимён автомобиль реконструкция қилиш.	1. Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш ва давлат экспертизасидан ўтказиш. 2. Лойиҳани Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб инфратузилмасини ривожлантириш киритиш йўлини Мажкамаси киритиш	2024 йил октябрь	Туризм обьектлари атрофидағи ер майдонлари, сув ва йўл инфратузилмаларини яхшилашга дастурига Вазирлар	Тошкент вилояти ҳокимлиги, Туризм қўмитаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
	3. Таммирлаш амалга ошириш.	Раёсатига таклиф киритиш.	2025 йил	маблағлар хисобидан	

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
3.	Тошкент вилоятида "Хаятт" мөхмөнхонаси талаблари асосида барпо этилаётган мөхмөнхона фаолиятини йўлга кўйиш максадида мажмуанинг электр энергияси истеъмоли режасидан келиб чиқиб, керакли қувватдаги электр подстанциясини ўрнатиш. Бунда, подстанция қурилиши учун сарфланган харажатлар мөхмөнхона мажмуасига етказиб берилган электр энергиясини монетизация қилиш (сотуви) ҳисобидан қопланади.	Амалий чора-тадбирлар.	2025 йил	Республика бюджети маблағлари	"Худудий электр тармоқлари" АЖ
4.	Фелондан ўтувчи Оқсув дарёсида 63 миллион АҚШ доллариллик қуввати 24 Мегаватти 3 та ГЭСни ишга тушириш.	Амалий чора-тадбирлар.	2025 йил давомида	Ижрочилар маблағлари	"Ўзбекгидроэнерго" АЖ
5.	Сечанкўл ва Ачинкўл кўллари бўйида туристик масканлар барпо этиш, туризм хизмат турларини ташкил этиш.	Кўллар атрофида туристик масканлар барпо этиш, туризм хизмат турларини ташкил этиш бўйича ўрганишлар олиб бориш ва Вазирлар Мажкамасига аниқ таклифларни киритиш.	2025 йил март	-	Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, Туризм қўмитаси
6.	Намангандаги вилояти Чорток туманида камидга 10 та санатория ва мөхмөнхона ташкил қилишга инвесторларни жалб қилиш.	1. Чорток туманида санатория-курорт зоналарини ташкил қилиш учун салоҳияти юқори бўлган худудларни аниқлаш.	Бир ой муддатда	Ижрочилар маблағлари	Намангандаги вилояти ҳокимлиги,

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		2. Россия Федерацияси ва Хитой Халқ Республикасидаги инвесторлар учун тақдимотлар тайёрлаш. 3. Россия Федерацияси ва Хитой Халқ Республикасига ташрифларни амалга ошириш ва ижобий натижаларга эришиш.	Икки ой муддатда 2024 йил давомида		Инвестициялар, саноат ва ташки савдо вазирилги, Ташки ишлар вазирилги
7.	Хитой, Россия, Туркия ва бошқа максадли давлатлардан хорижий сайджлар сонини ошириш ва туризм инфратузилмасига инвестиция жалб қилиш чораларини кўриш. Бунда, вилоят ҳокимларининг ўринbosарлари бошчилигидаги делегацияларни уч ойгача ушбу давлатларда хизмат сафарида бўлишини таъминлаш.	1. Ҳокимликлар вакилларининг Хитой, Россия, Туркия ва бошқа давлатларга ташрифи бўйича режа-жадвал тузиш. 2. Ушбу давлатлардаги дипломатик ваколатхоналар, тегишли хорижий ташкилотлар билан музокара ўтказиб, вилоятлар делегацияларининг ташрифини ташкил этиш. 3. Хитой, Россия, Туркия ва бошқа давлатлардаги йирик бизнес эгаларининг худудлар туризм инфратузилмасига инвестиция ва туроператорлар томонидан туристик оқимни мақсадида икки томонлама келишувларга эришиш.	2024 йил 1 августдан бошлаб, доимий равишда	Ижрочилар маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Инвестициялар, саноат ва ташки савдо вазирилги, Ташки ишлар вазирилги

T/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
8.	Мастер-режалар чиқиладиган 20 та туман (шахар)ларнинг ҳар 50 миллион долларлик инвестиция киритиш тақдимот қилиш.	ишлаб тақдимот лойиҳаси.	Бир ой муддатда	-	Инвестициялар, саноат ва ташқи савдо вазирилиги, Қоракалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
9.	Миср ва Туркия тажрибаси асосида Самарқанд ва Бухоро шахарларида шарқ бозори лойиҳасини амалга ошириш.	1. Шарқ бозори лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. Лойиҳалар тақдимотини ўтказиш. 3. Лойиҳани амалга ошириш истагини билдирган ташаббускорларни аниқлаш. 4. Шарқ бозорлари лойиҳасини ЮНЕСКО билан ўрнатилган тартибда келишиш.	Икки ой муддатда	Ижрочилар маблағлари	Савдо-саноат палатаси, “Ўзмиллий банк” АЖ, Маданий мерос агентлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирилиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирилиги
10.	Етакчи хорижий давлатларда “Farovon” миллий меҳмонхона бренди остида меҳмонхоналар барпо этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш.	Таклифлар ишлаб чиқиш.	Уч ой муддатда	-	Вазирлар Маҳкамаси, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирилиги,

<b>Т/р</b>	<b>Чора-тадбирлар номи</b>	<b>Амалга ошириш механизми</b>	<b>Ижро муддати</b>	<b>Молиялаштириш манбалари</b>	<b>Масъул ижрочилар</b>
				Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Туризм қўмитаси, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги	Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Туризм қўмитаси, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги
11.	Туризм инвесторларга қулай сармоявий муҳит яратиш.	соҳасидаги Бунда, 3-5 юлдузли меҳмонхона ва қурорт (резорт)ларни барпо этаётган хорижий ва маҳаллий инвесторларга маҳсус туристик-рекреацион зоналарга нисбатан кўлланадиган афзалликларни тақдим этишини кўзда тулучи “туризм инвестори” мақомини жорий қилиш.	Таклифлар ишлаб чиқиш ва Вазирлар Махкамасига киритиш. муддатда	Уч ой муддатда	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Туризм қўмитаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги
12.	Бирорта ҳам меҳмонхона мавжуд бўлмаган 22 та тумандаги кичик отеллар барпо этиш учун оиласиий хоналар сонидан келиб чиқиб, субсидия ажратиш.	Норматив-хукукий лойиҳаси.	Хужжат муддатда	Уч ой муддатда	Туризм қўмитаси, Иктисадий ва молия вазирлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
<b>II. Узоқ хориж давлатларидан янада күппрөк сайёхчарни жалб қилиш чора-тадбирлари</b>					
13.	“E-visa” (электрон виза) тизимини узилишларсиз ишләшини	Амалий чора-тадбирлар. такомиллаштириш, мунтазам тәмминлаш ҳамда мобил иловани ишга тушириш.	Икки ой муддатда	Ташқи ишлар вазирилиги маблағлари	Ташқи ишлар вазирилиги, Аддия вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирилиги, Ички ишлар вазирилиги, Туризм құмитаси
14.	Күшни давлатларда сайёхлар гурұхларининг чегарадан ўтишини енгиллаштириш	Амалий чора-тадбирлар. бүйича мутасадди ташкилоттар билан музокаралар үтказиб, яшил йүлаклар ташкил этиш юзасидан аник ғана ҳамкорлар билан келишилгандықтан киритиш.	Икки ой муддатда	-	Ташқи ишлар вазирилиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирилиги
15.	“Атлетико Мадрид” (Испания) футбол жамоаси Ўзбекистон Туризм реклама кампаниясини қўйиш юзасидан Испания томони билан ишларни ташкил қилиш.	1. Республиканиң туризм салоҳиятини тарғиб қилиш учун бренди зарур маълумотларни (лого ва йўлга слогин) шакллантириш (заруриятта кўра ишчи гурухлар тузиш). 2. Футбол жамоаси маъмуриятини билан музокаралар ўтказиш.	Икки ой муддатда	Экология, атроф- мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирилиги, Туризм құмитаси, Ташқи ишлар вазирилигининг ва Туризм	Экология, атроф- мухитни муҳофаза қилишни мұхофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирилигинің ва Туризм

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
	3. Лойиҳани амалга ошириш.	2024 йил давомида	кўмитасининг бюджетдан ташқари маблағлари хисобидан тенг улушларда		
16.	Ўзбек илаги, миллий либослари ва ўзбекистоннинг анъанавий безакларини кенг тарфидан этиш максадида жаҳоннинг машҳур кутюре ва мода уйлари билан ҳамкорликни йўлга кўйиш.	Амалий чора-тадбирлар.	Икки ой муддатда	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Туризм қўмитаси, “ўзбекипаксаноат” уюшмаси,	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг ва Туризм қўмитасининг бюджетдан ташқари маблағлари хисобидан тенг улушларда
17.	Мукофот жамғармаси 1 миллион АҚШ долларини ташкил қилувчи “ўзбек илаги: жаҳон брендлари илҳоми” танловини ўтказиш.	1. Норматив-хукукий лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. Норматив-хукукий лойиҳасини Вазирлар Мажкамасига киритиш.	2024 йил август 2024 йил октябрь	“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси, Ташқи ишлар вазирлиги	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг ва Туризм қўмитасининг бюджетдан

T/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
				ташқари маблағлари хисобидан тенг улушларда	“Ўзтўкимчаликсаноат” уюшмаси
18.	Мўйноқ имкониятидан фойдаланиш орқали алоҳида ҳаво худудини ташкил этиш ҳамда парашютдан сакраш ва ҳаво дайвинги экстремал туризмини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш.	аэропорти самарали лойиҳасини ишлаб чиқиш.  1. Норматив-хукукий хужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.  2. Норматив-хукукий хужжат лойиҳасини Вазирлар Мажкамасига киритиш.	2024 йил август  2024 йил октябрь	-	Мудофаа вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги
19.	Тошкент гастрономик фестиваль килиш.	халқаро ташкил ва жойини белгилаш.  1. Фестивални ўтказиш ва жойини белгилаш.  2. Фестиваль маълумотларни түғрисидаги маҳаллий маҳаллий туристик ташкилотларга етказиш.  3. Фестивални ташкил қилиш ва Ўзбекистоннинг гастротуризм салоҳияти тақдимотларини ўтказиш.	2024 йил сентябрь	Туризмни кўллаб-куватлаш жамғармаси ва Маҳаллий бюджет маблағлари хисобидан тенг улушларда	Туризм қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги

<b>Т/р</b>	<b>Чора-тадбирлар номи</b>	<b>Амалга ошириш механизми</b>	<b>Ижро муддати</b>	<b>Молиялаштириш манбалари</b>	<b>Масъул ижрочилар</b>
20.	Хива гастроэкономик фестиваль ташкил қилиш.	1. Фестивални ўтказиш вақти ва жойини белгилаш. 2. Фестиваль маълумотларни маҳаллий ва хорижий турристик ташкилотларга етказиш. 3. Фестивални ташкил қилиш ва ўзбекистоннинг гастротуризм салоҳияти тақдимотларини ўтказиш.	2025 йил (келишилган муддатда)	Туризмни кўллаб-куватлаш жамғармаси ва Маҳаллий бюджет маблиғлари ҳисобидан тенг улушларда	Туризм кўмитаси, Хоразм вилояти ҳокимлиги
21.	Музейлар тақомиллаштириш ишлаб чиқиш.	фАОлиятини дастурини ишлаб чиқиш.	1. Хусусий музейлар очиш бўйича норматив-хукуқий хужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. Музейлар замонавий ахборот технологияларни жорий қилиш, музейларга кириш учун ягона карта тизимини ва музейлар экспозициясини тизимили равишда янгилаш механизмларини яратиш. 3. Музейларда соғфаларини сотиш хизматлар кенгайтириш ва табакалаштирилган тарифларни белгилаш.	2024 йил ноябрь -	Маданий мерос агентлиги

<b>T/p</b>	<b>Чора-тадбирлар номи</b>	<b>Амалга ошириш механизми</b>	<b>Ижро муддати</b>	<b>Молиялаштириш манбалари</b>	<b>Масъул ижрочилар</b>
		Музейларнинг майдончаларида аукционлар ва бошқа тадбирларни ўтказиш, бадиий, хунармандчилик, коворкинг майдончалари, хордик чиқариш зоналарини ташкил этиш орқали музейларда монетизацияга шароит яратиш.	бўш		
22.	2025 йилда реставрация килинадиган мадданий мерос объектлари шакллантириш музейларини ва тиклаш масаласини киритиш.	1. Тъмирталаб уй музейлари рўйхатини шакллантириш. 2. Хива шаҳрида Иchan Қалъа мажмуасидан 2 километр узоқликда жойлашган Мұхаммад Раҳимхон II — Ферузнинг “Қиблა тозабоғ” ёзги қарордохини тўлиқ тикиш, музей ташкил қилиш, экспонатларнинг виртуал кўриниши ва анимациясини шакллантириш, аудио ва мультимедия воситаларини ўрнатиш учун қўшимча 10 миллиард сўм ажратилишини таъминлаш.	2025 йил март	Мадданий мерос объектларини тъмирлаш, реконструкция қилишга ажратилган маблағлар ҳисобидан	Иктисадиёт ва мolia вазирилиги, Мадданий мерос агентлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
23.	Маданий объектарининг киёфаси, туризм салоҳияти ва миллий қадриятларни ўзида ифода этадиган тарбибот намуналарини ишлаб чиқиш.	<p>1. Хоразм, меъморий ва Бухорода жойлашган йирик маданий мерос обьектлар рўйхатини шакллантириш.</p> <p>2. Тарбибот маҳсулотларининг дизайнни намуналарини ишлаб чиқиш ва белгилангандага тасдиқлаш.</p> <p>3. Ишлаб чиқилган дизайн маҳсулотларни асосида тайёрлаш.</p> <p>4. Шакллантирилган асосан тарбибот маҳсулотларини маданий мерос обьектларига жойлаштириш.</p>	<p>Бир ой муддатда</p> <p>Икки ой муддатда</p> <p>Уч ой муддатда</p> <p>Олти ой муддатда</p>	<p>Самарқанд маблағлари хисобидан</p>	<p>Ижрочилар ва ташаббускорлар маблағлари хисобидан</p> <p>Маданий мерос агентлиги, Туризм қўмитаси, Коракалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>
